

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 104 (2368)

1991 ЙИЛ 29 АВГУСТ

ПАЙШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИН

СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ МУРОЖААТИ

Бир гурӯҳ фитначиларни давлат тўнтириши қилишга уриниши мамлакатни миллий ҳалокат ёқасига олиб келди.

Биз тартиб ва қонунийлик тўғрисидаги сафсатабозлидан иборат мулоҳазалар билан ниқобланган кишилар барча конституцияий нормаларни сурбетлик билан оёқости қўлганларига, инсон ҳуқуқлари, ҳатто энг муқаддас ҳуқуқ—яша ҳуқуқи қўпол рашида бузилганига қаттиқ ишонч ҳосил қилдик.

СССР Ички ишлар вазири лавозимини бажаришга киришар эканман, СССР Президенти М. С. Горбачевнинг топшириғига биноан охирнгача ўз ҳалқи билан қолган, зўравонлик ва бошқа гайриқонунг ҳатти-ҳаракатлар билан ўзларига дод туширган. ички ишлар органларининг ходимларига ва ички ишлар ҳарбий хизматчиларига миннатдорчилар билдириб, раҳмат айтмоқчиман.

Фитна тор-мор этилди,

давлат жиноятчилари қаттиқ жавобгарликка тортилади.

Лекин мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ҳамда қонунийликни таъминлаш муаммоси ана шу билан тугади, деб ҳисоблаш қаттиқ янгилиши бўлур эди. Одамларга қонунга ишонч ва адолатни қайтириш, уларда тоталитаризмга, зўравонлика, жисмоний ва маънавий террорга энди қайтиш мумкин эмаслигига ишонч тутдириш учун ҳар куни қунт билан, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш керак.

Бугун мен СССР Ички ишлар вазирлигидаги барча соғи вижондли ва соғлом кучларга мурожаат этиб, улардан ўзига дод туширган сиёсий ташкилотларга тегишли бўлган фуқароларни ёки қаттиқ синов даврида тўнтириш ташкилотчирига қарши норозилик билдиришга юраги дов бермаган кишиларни судсиз жазолашга ва уркалтак қилишга тайёр турганлар йўлини қатъян тўсиш ва гайриқонунийликка йўл қўй-

масликка чақираман.

Биз қасос олиш туйгулари билан эмас, балки адолат ва қонунийликка интилиб йўл тутишимиз керак.

Мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни рўйи-рост мустаҳкамлаш юзасидан жiddий амалий иш қилиш керак.

Қонунга қатъий риоя этган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва қонуний манбаатларини, конституцияий тартибини ҳимоя қилиш учун дарҳол қўлимидан келган барча чораларни кўрмоймиз зарур.

Ҳамма ерда оператив аҳволни ўз қўлимида олишимиз, шаҳарлар ва аҳоли пунктларида жамоат тартибини, аҳоли ҳавфесилигини пишиқ-пухта таъминлашимиз, иқтисодиёт соҳасидаги сунистеъмолларнинг пайини ўз вақтида қирқишимиз, уюшган жиноятчиларни, порага сотилишини, қорадоришурушикни ва бошқа ҳавфли ҳуқуқбузарзиларни қатъян тутагатимиз лозим. Ёдгорликларни

гайриқонуний тарзда бузуб ташлашга, боз устига уларга ваҳшийлик билан муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак, чунки уларни ўйламай-нетмай бузуб, ўз ҳалқимизнинг тарихий хотирасини қашшоқлаштириб қўямиз.

Шу мақсадда маҳаллий ҳомиямит идоралари, депутатлар корпуси, жамоатчилик ва меҳнат жамоатлари билан алоқаларни кенгаитириш ва мустаҳкамлаш зарур.

Бугун самарали ишларни шарт-шароит бор. СССР Президенти, Иттилоқ ва республикаларнинг қонун чиқарувчи ҳамда ижроия идоралари бизни қўллаб-қувватлашга қафолат беришган. Бизга одамлар ишонади, Ички ишлар вазирлиги органларининг шахсий таркиби ана шу ишончни оқлашига ва ўз зиммасига юқлатилган вазифаларни шараф билан уddaлашига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

СССР ички ишлар вазири
В. П. БАРАННИКОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ Ш. М. Йўлдошев ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қабул қилган республиканинг Мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга асосланиб, ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш зарурлиги ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаш, ўз 26 августда «Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ни Қонунни маромига етказиш узун ишни гуруҳи тузиш ҳақида фармойши чиқарди.

Ушбу ҳужжатни республика Олий Кенгаши муҳокамасига олиб чиқиш ҳақида тақлиф киритиш мақсадида ишчи гуруҳига лойиҳа устидаги ишнинг бориши тўғрисида Раёсатга уч кун ичидаги ахборот бериш топширилди.

МАВЗУГА ҚАЙТАМИЗ

«Қонун қуролми ёки кишан?»

АЛП Эрдоннинг мунозара учун эълон қилинган мазкур мақоласи (1991 йил 22 август) ҳар бир одам муносабат билдириш арзидиган мавзуи акс эттирган.

АВВАЛО савол аломатига жавоб билдирам: қонун қурол ҳам эмас, кишан ҳам. У — инсоний учун ҚАЛҚОН. Энди ўз-ўзидан шундай эътиroz туғилиши мумкин: «Хўш, қонун бу қалқон экан, нега унда «...Қуролми ёки кишан?» — деб савол берилаяпти?» Айни вақтда буни жуда ҳақли эътиroz деб қабул қўлмоқ керак. Чунки, тан олиш лозим, ҳозирги кунда, ҳамма даврда ҳам муқаддас ҳисобланган ҚОНЫН кимлар учундир ҚУРОЛ, кимлар учундир ҚИШАН бўлиб қолди. Энг кулгулиги ва қуйгулиги — айrim қонунларимиз жиноятчига ҚУРОЛ, ҳуқуқтартибот ходимларига эса ҚИШАН бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Келинг, биттагина мисол келтирайлик. Яқинда чайқовчиликка қарши янги қонун қабул қилинди. Бу «Савдо-даги сунистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириши тўғрисида»ни Қонун ҳар тарафлама қатъий ва кескин чоралардан ташкил топган.

АММО бутун бошли мана шу қонунда биргина «Чайқовчилик, яъни текин бойлик ортириш мақсадида давлат

халқ депутатлари, шу соҳанинг мутахассислари ўз муносабатларини билдиришлари зарур, деб ҳисоблайман.

С. ДИЛМУРОДОВ,
журналист.



Сирғали туманиннин Бунинг олдини ИИБ олиши учун эса туман ИИБ балогати етмайсанни ишни бўйича назоратниятни инспектори милиционерлари милиционерларни ишлайди. Ишлайди милиционерларни таъминлашни кечик саржанни Улугбек Дустовлар ҳаминча хушхамзат вазифасини балкардиди. И. МИНАВВАРОВ олган суратлар.

ЎзССЖ ИИВ тиши қасалликлари табибонаси (поликлиникаси)га кирсангиз, биринчи бўлиб чамаси 60 ёшлардаги барваста, мошгуруч мўйлови ўзига ярашили кишига дуч келасиз. Ином ака (шу ерда қоровул бўлиб ишласада) сизни ўзбекона салом билан (яъни ўзбекларга хос очик чехра билан) қарши олади.

— Келинг, меҳмон, хизмат? — дейди қўлини кўк-сига қўйиб.

Мақсадингизни айтасиз, укиши эса сизни ўзинги учрашмоқчи бўлган шифокор ҳузуригача кузатиб боради.

Шу ўринда баъзи рўзномасеварлар: «Одий қоровулни ҳам «Постда»да ёзиш шарт эканими?» — деб ўлашлари мумкин. Кўп жойларда эшикбонлар қовогини уйиб ўтиришади, саломингиз ҳатто алиқиз қолиб кетади. Ином ака Икромов биринчи навбатда шу нуқтаи назардан ҳурмат-эътиборга сазовордир.

Қолаверса, у киши сизубизга қасб жиҳатидан ҳам унча бегона эмас. Ҳарбий хизматни ўтаб келгандан сўнг Тошкентдаги ҳарбий командирлар тайёрловчи олий билим юргита кириб ўқиди. Кейин турли ша-

ФАХРИЙЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

БЎШ ВАҚТНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

ҳарларга жойлашган ҳарбий қисмларда хизматни давом эттира бошлади.

Нихоят, оилаславий шароит тақозоси билан ички ишлар соҳасига ишга ўтди. Айни пайтда Тошкент давлат доиралуфунунида таҳсил олиб, ҳуқуқшунослик дипломини олди. Шундан сўнг балотага етмаганлар меҳнаттарбия муассасасида тарбиячи бўлиб ишлай бошлади. Тўрт йилдан сўнг эса вазирликнинг сиёсий бўлимига катта йўриғчи этиб тайинланди.

Вазирлик томонидан бир неча марта Фахрий Ёрлиқлар, медаллар билан тақдирланди.

— 1979 йилдан бери ис-теъфодаман, — дейди Ином ака хиёл кулимсираб.

Умрнинг ўтишини қараган.

— Ёшлигинизда беҳаловат қасб этаси бўлганисиз, «югур-югур»ларга ўрганиб олий билим юргита кириб ўқиди. Кейин турли ша-

раймиз у кишидан.

— Бе, зерикиш қаёқда! Чунки бўш вақтнинг ўзи йўқ. Уч кунда бир марта табибонага бориб, навбатчилик қиласман. Бошқа кунлари эса «Пахтакор» маҳалла қўмитаси идорасида бўламан. Ўртоқлик судига раис қилиб сайлашган. Яхшилийка буюрсин, лекин ташвишларим кўп.

— Чарчаб қолмайсизми?

— Хафа бўлманг, бу саволингизга ҳам «йўқ» деб жавоб бераман. Кўпчиликнинг гами билан яшасант, чарчони сезмай қоларкансан. Ҳатто бобо бўлганим ҳам йигрма иккни нафар набираларимдан бирортасини кўриб қолганимдагина эсимга тушади.

У ўзининг гапига нашъа қилиб, селкиллаб-селкиллаб кулади. Кейин яна битта гапни қўшиб қўйди.

— Зерикмаслигимнинг яна битта сабаби — кичкинагина

ҳунаримиз бор...

У кишининг «кичкинагина ҳунари» ҳақида бошқалардан эшитдик. Ином ака ёшлигидан санъатга меҳр қўйган киши экан. Ҳатто ўзбек театрчилиги даргалари ҳисобланмиш Маннон Уйгур, С. Табибуллаевлар сабогини олган. Ҳалқ театрларида «Муқанна», «Жало-

лидин Мангуберди», «Алишер Навоий» спектаклларида кичик ролларни, 1944 йил охирларида эса «Охиргилар» (М. Горький), «Пўлат қандай тобланди» (Н. Островский) номли саҳна асарларида бош ролларни анча-мунча қиёмига етказиб ижро этган.

— Отамиз ҳозир Иўлдош Охунбобов номли маданият уйига қатнайди, — деди Ином аканинг фарзандлари,

— Шу кунларда «Алишер Навоий» драмасида Ҳусайн Бойқаро образини талқин этмоқдалар.

Фарҳод КАРИМОВ.



ХУНАРИ ЎТМАДИ

Ҳамманинг машғулот билан бандлигидан фойдаланган Наримон кийимхонага кирди. Виталийнинг чўнтағидаги уй калитини олиб, яна хотиржам залга қайтди. Бир неча кундан сўнг Викторга «ёғли иш» тақлиф қилди. У гарчи эндиғина 16 ёшга тўлганига қарамай Наримоннинг режасини қўллаб-қувватлади. Улар 20 марта куни кундуз соат 10 ларда Виталийнинг хонадонига бемалол кириб келишиди. Олдиндан уйда ҳеч ким бўлмаслигини билган йигитчалар шошилмай жиҳозларни тинта бошладилар.

Жабрланувчининг 1034 сўмлик (эски нархда) буюмларини йиғишириб, қидирувни чалкаштириш мақсадида ўзинки болта билан буздилар. Милиция эса адашмай бу вояга етмаган «безозор» ўғриларнинг тўғри изларига тушдилар. Наримон ўғирланган молларни Бекобод шаҳар бозорида пуллаётган вақтда шаҳар ИИБ ходимлари томонидан кўлга олинди. Йўқолган буюмларнинг бир қисми эса шериги Викторнинг уйидан чиқди.

Б. БОТИРОВ,
милиция лейтенанти.

ЖАНЖАЛНИНГ ОҚИБАТИ

Гагарин номли давлат хўжалигида чилангар бўлиб ишловчи Холиқул Жалиловнинг хонадонидаги кунора оиласий жанжаллардан барча кўни-кўши хабардор эди. Бироқ ҳеч ким Холиқулга юрак ютиб, тинч-тотув яшаш кераклигини айтмади, биронтаси насиҳат қилмади. У эса оиласида зулм ўтказиши, турмуш ўртоги Робияни таҳқирлаши, болаларига азоб беринши кандо қилмади. Камситиш, хўрлаш ва ҳақоратлардан тўйған Робия эрталаб соат 7да ўйқуда ётга! Холиқулнинг устига бензин сепиби, ўт кўйиб юборди. Қаттиқ кўйган Холиқул дунёдан кўз юмди. Робия эса тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди.

Ф. МАЛИКОВ,
Ильич тумани ИИБ ходими
милиция капитани.



МЕНИНГ ФИКРИМ

Охирги пайтда «Дилфуз» не-га севгимни рад этид?» мақоласи бўйича ёшларимизнинг Равшанга нисбатан тасалли, Дилфузага нисбатан таъна билдирилган хатлари рўзнома саҳифасида чоп этилмоқда. Мен бунга ёшлар ўртасидаги шунчаки тортишув, деб қарадим.

Лекин рўзноманинг 10 августана сонида Дилмурод Сандовек журналист укамиз мулоҳазасини билдиригач, мен ҳам ўз фикримни ёзишга қарор қилдим.

Хурматли Дилмурод, Сиз иккала ёшни, яни Равшанини ҳам, Дилфузани ҳам танимайсиз, уларнинг ўртасида қандай гап ўтганини билмайсан. Мен ҳам танимайман, билмайман.

Бордию Равшаннинг «йигиси» қўрқкан олдин мушт кўтарар қабилида ёзилган бўлсанчи? Қиз йигитнинг қишлоқи ва милиционерлариги била туриб, иккни ўйларимда учашиб, гаплашиб ўрган. Учнинчи йили ўз тақдирларини ҳал қилиш вақти келганди, йигитнинг муҳаббатини рад этиб, қўпол қилиб айтганда, боравангни торт, дейиши сабабини ўйлаб кўрмадингизми?

Укагинам Дилмурод, ўз мақолангизда билдириганде этии пуштини суришириб, кейин куда-анде тутинишлар бувамнинг замонида қолиб кетган. Ҳозирги вақтда яхши йигитлар, шаҳарликми, қишлоқими (бунинг аҳамияти йўқ), қизи бор ҳар бир оила томонидан бегона қилинмайди. Буни сиз ҳам яхши биласиз.

Энди Равшанга келсан, «Равшан — исмига кўра «бекзода»лардан ўхшайди...» деб сиз. Менинг фикримча, исми Равшану қалби зимиштон бўлса керак. Агар шундай бўлмаганда, ҳатто уни Дилфуз севмаган тақдирда ҳам, иккни ўйларимда ардоқлаган севгилиси устидан хат ёзиб, рўзнома орқали унга таъна тошлари ёғдирармиди?

Дилфуз Равшаннинг биринчи севгиси эканлигига ким кафолат бера олади?

Кези келганди яна бир нарсани айтмоқчиман. Вилоятлардан Тошкентдаги олийгоҳларга ўқишига келган айрим йигитларимиз (бу ўринда ўз қадрини ва ғурурини йўқотмаган кўпчилик йигитлардан кечирим сўрайман) кўп вақт

ўтмай домлалари ёки катта-роқ ерда ишлайдиган кишиларнинг қизлари бўлмиш курсдошлари атрофида гирдикапалак бўлиб, ўзларини яхши таравфдан кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Улар билан дўста-тона алоқа ўрнатиб, ҳатто уйларида тез-тез кўрина бошлайдилар. Шу билан бирга вақтни бой бермай: «Агар шу хонадонга куёв бўлсан, қизнинг ота-онаси бизни коопе-ратив уй билан таъминлай оладими, келгусида мени амал курсисига курбета етариқкан, никоҳ куни совфа тариқасида автомашина калити менга тақдим этилар-микан!» — деган иқтисодий масалалар билан пинҳона қизиқишиди. Қишлоқда қолган ота-онаси, севгилиси мени кут, деб берган ваддалари тамомила унтилади.

Қарабасизки, ўқиши тугатар-тутгатмас шаҳардан ўйланниб, қайнатаси ёки яна кимдир түфайли тез орада олимларикка номзод диссертацияси ёқланади.

Бундай пайтларда йигит ўйланаяптими ёки турмушга чиқаётими, ажратиши қийин.

Айтингчи, Дилмурод, унинг олимлигидан ўзи туғилиб ўсган ерига нима фойда бор? Ёки айтайлик, ўғлим ўқисин, элга нағи тесгин, деб умид билан пойтихатга юборган ота-она меҳрини ўз қалб қўри билан қайтара оладими, шаҳарлик танноз келин «қишлоқи» қайнонасининг ҳурматини ўрнига ўядими, умуман уни кўришга тоқати борми?

Бундай ҳолларга кўплаб мисол келтириш мумкин. Менинчча, шу ўринда севимли ёзувчи миз Улмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» номли романини эслатиш кифоя қиласа керак.

Бизнинг қаҳрамонимиз Равшан ҳам шу тоғфадаги йигитлардан бўлса ажаб эмас. Йўқса, оддий милиционер бўлиб ишлаш учун, уни Тошкентга келиши шартлиди? Қишлоқда ҳам милиция ходимлари жуда керак-ку!

Дилмурод, бир вақтлари севимли йигитлари ўқишига кетаётиси берган ваддаларини унтиб, шаҳарда қолиб кетган бевафолар тўғрисида қизлар ўз фикрларини билдирисалар керак, деган умиддаман.

Р. ҲАСАНОВА.



Пискент тумани ИИБ ходимлари сўнгти пайтда ҳудудда жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликка қарши кескин чоралар кўра бошладилар. Туман осойиштадик посбонлари иккни сменалик ишга ўтиб ишлай бошладилар. Шахсий таркиб 30 дан зиёд миллионерга кўпайди.

Ўтган йилнинг 6 ойида жамоат жойларida ҳавфли жиноятлар содир этиш 7 тани, бу йил эса 5 тани ташкил этиди.

Шу йилнинг 6 ойида тумандаги 64 та жиноятнинг деярли 90 фоизи очилди.

Жиноят қидирув, тергов ва БХСС бўлинмалари қўлни кўлга бериб фаолият кўрсатмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: туман подполковники Омон Турғунбоев (ўнгда) БХСС бўлинмаси оператив вакиллари милиция катта лейтенанти Довуд Бердикулов (ўртада) ва милиция кичик лейтенанти Турсунхон Валиевлар билан чайковчидан тортиб олинган машинанинг ноёб эҳтиёт қисмларини кўздан кечиряпти; анқонинг урги ҳисобланган эҳтиёт қисмлар.

Сураткаш Ҳабибулла ШОДИЕВ.



Хозир нима кўп «ошибдиши» кўп. Қоғоз нархи — ОШДИ! Нийим нархи — ОШДИ! Егулик, иччилик, чеккулик, ҳаттоқи кафаник нархи ҳам. Хўш, бу билан пештахталар тўлиб, сифатли маҳсулот кўпайиб қолдими? Иўқ! Сутни олайлик, қарийб юз фойизга ошиди. Аммо ўша ўзимиз билган оппоқ, шилдир, ёғисизлигича қолаверди. Тамаки нархи — ОШДИ! Нафақат давлат дўконида, ҳатто «олиб сотар» деган маҳлуқда ҳам нархлар «қайта қурилди»...

Келинг, энди асосий мавзуга кўчайлик. Эсимни таниганимда йўл ҳақи трамвайдага — З тийин, троллейбусда — 4 тийин, автобусда — 5 тийин бўларди. Барча ҳалқлар тенг деган сиёсат транспорта ҳам етиб келди: ҳаммаси бир хил — 5 тийин бўлди. «Шарофатли» арпель кунларида трамвай, троллейбус, автобус, метро хизмати 15 тийин қилиб белгиланди. Ҳа, энди ҳозир бир сўмнинг тургунликдаги 30 тийинликча қадри йўқ даврда арзимаган ўн тийин учун нима кам! Аммо энг қизиги шундаки, йўл ҳақи оширилди-ю, хизмат кўрсатиш сифати пастлигича қолаверди. Бу аҳвол қайси йўналишларда юз бермоқда деган саволнинг ўзи кулгилан. Пойтахтдаги исталган йўналишда юриб, исталган бекатга бориб кўринг, ҳамон одамлар сарғайиб транспорт кутмоқдалар. (Кўйидаги сурат ҳам фикримизга далил бўлади.) Ишдан ҳориб-чарчаб уйга отланган одам яна манзилига етгучча «Лочира» бўлиб кетмоқда. Балки сўрасиз: «Хўш, шаҳар ахолисига йўловчи хизматини ташкил қилувчи ҳамда трамвай-троллейбус бошқармаларидаги масъул лавозимда отнинг калласидай маош олиб ўтирган мутасадилар қаёқка қараашаятти?» Улар фақат шу соҳада раҳбар. Транспорта чиқиш улар-

ТАНИ БОШҚАЛАР

нинг вазифасига кирмайди. Тўғри, транспортда юришада, фақат хизмат «Волга»-ларининг юмшоққина ўриндиликларида ястаниб ўтириб, ҳалқа «хизмат қилишади». «Тани бошқа — дард билмас!» — деганларни шу бўлса керак-да.

Бизнинг ушбу эътирозларимизга Тошижроқум расининг транспорт бўйича ўринбосари нима деб жавоб айтар экан-а?

Модомики, сўзимиз йўл ҳақида экан, дардимизни тўлароқ айтайлик. Шу йилнинг 1 январидан йўл солиги тўрт баробар оширилди. Бироқ шаҳар йўлларидаги ўйдим-чуқурлар кўпайса

кўпайгандир, аммо камайгани йўқ. Чеккароқдаги доимий «етимқўзи» бўлиб қолган кўчаларни қўяверинг, ҳатто марказга яқин кўчалар ахволига ҳам маймун кўз ёши тўйса арзиди. Ўзимиз ҳар куни ўтаётуб, кўзимиз тушидиган кўчалардан иккучасини айтуб ўтсан. Фрунзе туманидаги академик Гуломов, 1-, 2-, 3- Эҳтиром, Ҳамшира, Глазунов кўчалари туюнинг ўркачидай паст-баланд бўлиб ётиби. Туман йўл тасаруфи бошқармаси (бошлиги Мамедов) гапирсак, камбағалнинг Чолворига ўхшатиб, ямоқ солиб кетдилар. Буни яхшилаб асфальтлаш лозим, деганларга бош-

қармадаги «зоти шариф»лар: «Гордорстройремонт»га айтинглар, биз ўз ишмизни тугатдик», — деб жавоб қилишида. Балки улар ҳақдир. Аммо битта кўчани асфальтлашиб учун бир нечта идорага ариза ёздириш — тўрачилик иллати қаҷон йўқолади?

Бу саволга энди жавобни Тошижроқум расининг ободонлаштиришни ишлари бўйича ўринбосари берар балким.

Дилмурод САИДОВ, журналист.

Топинг-чи, ушбу кўриниш пойттахтаги қайди кўча ва бекатда суратда олинган? Топа олмайсиз, чунки Тошкент кўчалари ва бекатларининг аксарияти айнан шу аҳволда.

Сураткаш Даврон АҲМАД.



КАШНИЧ ЧЕТИДАГИ КЎКНОРИ

ЕКИ СУХЛИК АЕЛЛАРНИНГ ИШКИ ТУШГАН ЗАҲРИ ҚОТИЛ ҲАҚИДА

Тошдан-тошга урилиб, айғирдек пишқириб оқаётган Сўхнинг зилол сувларидаги етилган ўрикдан татиб кўринг-а. Лабларнинг чипча ёпишади. Гуручидан ош дамланса, қозондан тошаман дейди. Атлас билан ранг талашган қирмизи олмасини қўяверинг. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланаётган төғликлар Сўхнинг икки қирғодигага гўдак кафтидек даларада турли-туман нознетмаларни етишириб келишмоқда.

Тоққа тираган хонадонларинг томорқаларида? Бу савол яқинда ташкил этилган Сўх тумани ички ишлар бўлими ходимларини ҳам қизиқтириб қолди. Тоғда хонадон оралашини ўзи бўладими? Тушшиб-чиқишилар беҳисоб. Лекин бекорга тер тўкилмади. Текшириш давомида қатор ўйларнинг томорқаларида барқ уриб ўсаётган сабзавот озуқ экинлари орасида қонун йўли билан парвариши таъқиланган заҳри қотилли ўсимликларга дуч келишиди. 86 та хонадон ғаси билса ҳазил, билмас чин тарзида Сўхнинг сершарбат суви билан кўкноризорни суғориб келаётган экан. Қизиги шундаки, милиция айбордни сўроқ қилмоқчи бўлса, норгул эрраклар четда қолиб, олдинга аёллар, кексалар ва ногиронлар чиқишиди.

— Бундан кўзда тутилган мақсад аниқ, — дейди туман ИИБ бошлиги ўринбосари милиция капитани Абдулмуҳаммад Абдуллаев. — «Қонунларимиз инсонпарвар, оқиза ва кексаларга гириғ демайди», — деб ўйлашади.

Лекин биз ҳуқуқбазарликнинг оғир ёки енгиллик дарражасидан келиб чиқиб, тегишилори кўриб бормоқдамиз. Кўкноризорлар эса сўзсиз тугатилмоқда.

Дарҳақиқат, бу ерда ўрмонга ўт кетса, ҳўл қуруқ баравар ёнади қабилида иш тутишяпти. 86 кишидан 73 нафари жамоатчилик ўртасида изза қилинди. 5 кишига эса ўртоқлик суди орқали жазо тайинланди. 7 кишига нисбатан жинон иш қўзғатилди. Суҳбатдошим — терговчи Алижон aka Мадаминов билан ана шу еттита фактга тўхтадик.

31 ёшли Маҳфиратхон Ҳўжабекова Сариканда қишлоғилик. Ўй бекаси, уч фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоги Дадаҳўжа фельдшер. Томорқада гуллаб ётган кўкнорини ўзи экканлигини бўйнига олди.

— Дори бўлармикан, деб қашнич четига 120 туп кўкнори экдим, — дейди Маҳфиратхон.

— Турмуш ўртогингизнинг хабари йўқми? — сўрашибди милиция ходимлари.

— Йўқ, йўқ. Ўзим...

Хозир замон ажойиб, ўқимаган ўқигандан яхши билиши ҳеч гап эмас. Балким фельдшер Дадаҳўжа кўкнори «дори» лиғини билмас, шунинг учун ҳам ўйдаги галати ўсимликка парво қилмагандир.

Лембур қишлоғидаги болалар боғчаси тарбиячиси Бибикон Холмирзаева ҳам «айрим касалликларга қарши дори» ҳисобланмиш 50 туп кўкнорини авайлаб ўстираётган экан. Савол-жавобга тутилди.

— Нега экдингиз, истеъмол қилмоқчимдингиз?

— Ичмайман, фақат дориликка...

Сарикандалик Үғилой Фиёсова кўкнорининг бошқа антиқа ҳусусиятидан хабардор. Унинг айтишича, томорқадаги 150 туп кўкнори пишиб етилгач, уругини нои устига сепади. Шунда буғдойнинг бемазалигини бирор пайкамаскан.

Зангатлик Робия опа Жавлонова сергайратлигига ўтлашади. Ҳавас қилса аризиди. Ахир, «Қаҳрамон она» сифатида ўн болани ювиб-тарашдан ортиб, ҳовлисидаги 464 туп кўкнорини парваришилаш осонми?

— Хуллас, ҳозирча қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларни тоглижасиб ўтасиб ўз бўйинларига олиб туришибди. Лекин бундай жасорат учун енгиллик берилмайди. Кимларнидир пана қилиб, қўксани қалқон қилиш билан жазони кечикириб бўлмайди, — деб таъкидлади терговчи А. Мадаминов.

Суҳбатга шу ерда хотима ясадиму ўй қурғур тинчимни ўғирлади. Келгуси йили Сўхнинг дардга маҳкам об-ҳаёти тарафидан ариқлар нималар ташнилигини қондиради? Белида белбоги бор ҳамжинсларимар мард аёллари билан яна мағрурланишармикан? Ётиқдошлири суд ҳукмидан бошларини ҳам қилганларидан, виждан атамини инсонийлик қўриқчиси уларни титроқка солармикан!

Билмадим. Лекин бундай ахволга тушишини ҳеч эркакка раво кўрмайман.

Гайрат ЖУРА.

Янгийўл тумани ИИБ ходими милиция катта лейтенант Гоғиржон Нурматов доимо ҳалқ орасида. Унинг тасаруфидаги милиция участкасида қонунбазарлик ҳоллари кам учрайди. Бунинг сабабини эса участка инспекторининг ҳалқ билан тиллашиб кетганингидан, одамларнинг гам-ташвишиларидан ўз вақтида хабар топиб, уларни баҳам кўра билишдан ахтармок керак.

СУРАТДА: Г. Нурматов фуқаролар билан мулоқотда.

С. МУСАЕВ олган сурат.



ТАДБИР САМАРАСИ

Араббой Юсупов Наманган вилояти ИИБ ДАН бўлимига бошлики ўринбосари бўлиб тайинланганига кўп вақт бўлмади. Якнда у 10 кунлик «Мотоцикл» операциясини ўтказиш ҳақидаги таклиф билан чиқди.

Тадбирдан кўзланган мақсад мотоцикл ҳайдовчилари ўртасида интизомни кучайтириш, йўл ҳодисаларининг олдини олиш эди. Натижада

БЕМЕХР ОТАЛАР

Эрта баҳорда пешайвонимиз шифтига қадирғоч ўз жуфти билан ин курди. Ҳаш-паш дегунча тухум қўйиб, бола ҳам очиб чиқди. Ана энди уларнинг ташвишларини кўрсангиз эди. Эрта тонгдан то шомгача емиш таши толишмас, ҳатто олисларга кетиб, ҳаяллаб ҳам қолишмасди. Палапонлар эса бокувчилари учб келиши билан ғурулашганча оғизларини катаатката очиб озиқланишади. Томоша қилиб завқланасан, киши.

Мен уларга қараб ҳаёлга толаман. Нима учун айрим одамлар ўз фарзандларига нисбатан мана шу қушчалик меҳр-оқибатли бўла олмайдилар. Гўдакларни ташлаб кетиб, хўрлайдилар. Бир бурда нонни уларга раво кўрмайдилар. Нима учун? Ахир, онг фақат гина одамзодга ато этилган неъмат-ку!

Якнда Бўстонлиқ туманинг ҳалқ суди кетма-кет бўлиб ўтган мажлисида ўз фарзандларидан юз ўтирган иккимисга нисбатан чора кўрилганинг гувоҳи бўлдим.

Айланувчилардан бири Худойберган Шоюсуповдир. Шу туманинг Товоқсој послекасидаги Пушкинномли кўчанинг 35-йида истиқомат қиласди. Маълумоти тўлиқсиз ўрта. Бирор фойдали иш билан шугулланмаган. Болаларига нафака тўлашдан қасдан бош тортди.

Бемехр оталардан яна бири Риҳсибий Нуралиев ҳам фарзандларига нафака тўлашдан бош тортганини учун муқаддам судланиб, иккя йил жазо муддатини ўтаб келган эди. У Искандар қишлоғининг 1 Май кўчасидаги 30-йида яшайди. Ёши 33 да.

Бу ҳар иккала кимса ҳам УзССЖ ЖММинг 104-моддаси билан айборд деб топилди.

Ҳ. Шоюсупов иккя йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мажбурий ишга жалб этилди. Ундан ташлаб кетилган болалари фойдасига 672 сўм ундириб бериш ҳақида ажрим чиқарилди.

Р. Нурилаев эса бир йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. У жазо муддатини қаттиқ режими ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида ўтайди. Узлигини унтиб, тубанликка юз тутган бу кимса ҳам собиқ фарзандлари ҳисобига 2010 сўм тўлашга мажбур.

Даврон ИБОДОВ, Бўстонлиқ туманинг ҳалқ суди.

М. ҲАКИМОВ, жамоатчи мухбир.

йўл ҳаракати қондадарини кўп равишда бузган 2139 нафар шахслар аниқланди. Уларнинг 1136 нафари давлат рақамисиз, 1003 нафари гувоҳномасиз, 87 нафари эса маҳчолатда рулни бошқарган. Ўн кунлик операция якун ясалганда, автоҳақатлар сони 28, унда нобуд бўлганлар 57, тан жароҳати олганлар 35 фонзга камайганлиги маълум бўлди.

Н. МАМАЖНОВ.

ВАХШИЙИЛАРГА ШАФКАТ НЕ ХОЖАТ?

Бир-инки жойда дилтортар дўстлар орасида ўтириб, гурунглашган пайтларим бор. Уларни рўзномамиз мухлислари билан атайлаб таништирмаяпман. Чунки ҳозир уларнинг ким эканликлари эмас, мулоҳазалари аҳамиятироқдир.

Ўшанда амалдаги Қонувларнинг ўта юмишоғлиги ҳақида баҳс борганди.

Масалан, «Постда» рўзномасида муҳаддам судланган шахсларнинг яна қайтадан қора курсига ўтиришгани ҳақида кўп ёзасизлар, — дейди сұхбатдошларимдан бири. — Айтайлик, аввал «ўтириб» чиқсан собиқ жиноятчи тақороран содир этган қонубузарлиги учун аксарият ҳолларда учтўрт йилга озодликдан маҳрум қилинади.

Чунки бизнинг Қонувларимизда уларни фақат жазолаш эмас, балки қайта тарбиялаш кўзда тутилади, — дейди ўз фикримни билдираман.

Амала ҳеч қанана тарбия натижаси сезилмайти-ку? Қайтанга, улар янада ваҳшийроқ қиёфа кашф этишади.

Бир ҳисобдан тўғри, лекин барни бир Қонувларимиз инсонпарварлик асосига қурилган. Билиб-бilmay Қонуни бузиб юйётгандар ҳам бор-ку, уларни оғирроқ жазога маҳкум этиш ҳам инсофдан эмас.

Яна сұхбатдошлариминг янги «хужум»ига дучор бўлдим.

Инсонпарварлик фақат айбланувчilar фойдасига бўлмаслиги керак! Биз уларни, сиз айтмоқчи, инсонпарварликдан келиб чиқиб, айбига нисбатан енгил жазога маҳкум этамиз. Уларчи? Бу «мехрибон»ликни тушунарманилар? Йўқ, қайтага қамоқдан қутулиб чиққач, яна кимларидир қон-қақшатишни ўлашади. Бу ҳақда халқимизнинг топиб айтган нацили бор. Букрини гўр тузатади!

Шу ерда улар фикрларининг исботи учун бир воқеани ҳикоя қилиб беришди. Аслида бу воқеа иштирокчиларини рўзномамиз мухлисларига яъиндан таништириши керак эдику-я, лекин жабланувчининг орномуси ва келажакдаги ҳайтини ўйлаб, бу мақсаддан воз кечдим, ҳатто исм-шарифларни ўзгартиб беряпмиз.

Жумхурятимиз туманларидан биринда истиқомат қилувчи Т. Расулнинг ёши эллидан ошган. Лекин у ўтган ярим асрдан кўпроқ умрининг 20 йилини зэллаганда сиз ва бизни сескантриб юборадиган тиканли сим ортида кечирган. Ахир, бир эмас, иккни эмас, уч марта қора курсида ўтирганда!

Ана шу кимса ўтган йил 23 июль куни спиртли ичимликка тўйиб олгач, кўчага чиқди. Теккага тегиб, тегмаганга кессан отиб, шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган чойхонага келди. Биринчи учратган одами — О. Маъмурнинг асабига тега бошлади.

00-92 X38 рақамли «ГАЗ-52» белгили юк автомашинасини бошқариб бораётган Р.нинг оғзи қулогида. Чунки у аввалдан режалаштириб кўйган орзусини амалга оширганди. Энди фақат ўмарилган гиламларни белгиланган жойга етказиб борса бўлгани, мэрра уники.

Энг мухими гиламларни комбинатдан олиб чиқиш эди. Шунники эпладими, энди бўёғи ҳеч гап эмас. Зўр келса, бир-инкита гиламдан воз кечсан, вассалом. Ахир, мана мен деган мелисаним нафси бор-ку!

У шундай фикр билан ҳовлисаётган юрагини тинчлантиришга уринарди.

Ана, муюлишдан ҳам ўтиб олди. Энди хавф йўқ.

Р.нинг кўнгли таскин топғач,

— Менга беш сўм берасан, акс ҳолда ўзингдан кўр!

О. Маъмур уни қалтис йўлдан қайтармоқчи бўлди.

— Кўйинг, ака, ёшингизга ярашмайдиган гапларни!

Табиники, «ўтириб» чиқсанлиги учун ўзини бошқалардан бир поғона юкори ҳисоблайдиган Т. Расулга кечагина «тухумдан чиқсан» йигитчанинг ақл ўргатиши ёқмади. Тела сочи тикка бўлди. Аламига чидомаганидан оғзига келган сўзни қайтармай бўралаб сўкаверди.

Бақани боссанг, «вақ» этади. Ҳақоратланган О. Маъмурнинг асаб торлари тараф тортилди. Бир кўнгли у билан йигитчисига гаплашиб қўймоқчи бўлди. Ўйлаб тураб, бу фикридан қайтди. Аҳмоқча жавоб сукут, деганлар. Индамай уйга кетди.

Андишанинг отини кўркоқ кўйган безори яна ёқимсиз ҳатти-ҳаракатини давом этираверди. Энди чойхоначига ёпишиб олди. Унинг бўйиндан қуҷоқлаб, ароқнинг бадбўйи анқиётган оғзини тутди.

— Кел, битта ўрай.

Чойхоначи эса ижирганиб, зўр-базўр сийтаниб, унинг ҷангалидан қутилди-ю, жаҳл билан итариб юборди.

— Йўқол, бу ердан!

Шундан кейин уларнинг орасида чинакам жанжал бошланди. Ҳайрият, атроддагилар бўлаб турмадилар. Уларни ажратиб қўйиши. Лекин суд-тибий экспертизаси хуласасига қараганда, ўна кунги жанжал туфайли ўз вазифасини бажарайтган чойхоначи енгил тан жароҳати олган.

Судда Т. Расулнинг бу ҳатти-ҳа-

ракати Узбекистон ССР жиноят мажмасининг 204-моддаси 2-қисмига ҳамоҳанг эканлиги ўтироф этилди, дейди сұхбатдошни. — Бу ҳам майли, қолганини ўшигининг.

...Суд давом этади. Ниҳоят, вояга етмаган жабрланувчи Э. Дониёрға сўз берилди. У ҳаммага бир-бир нигоҳ ташлаб олдида, кейин жиққа ёшга тўлган кўзларини ерга қадади. Ҳиқиллағанчага 20 сентябрь куни кечга томон бошидан кечирган фожеани ҳикоя қила юлганини ўшигининг.

— Соат еттиларда велосипедимни учирив, уйга кетаётгандим. Тўсатдан қаршидан ануви чиқиб қолдида, илтиюси борлинини айтди. Тўхтадим. Уйдаги диванини қўшини хонага киритишга ёрдамлашишимни сўради. Кап-кatta одам бўлганини учун йўқ дей олмадим. Велосипедимни ташқарида қолдириб, унинг ортидан кирдим...

Иўқ, бола бечора қолганини айта олмади. Айта олмасди ҳам. Гурури, топталган номуси йўл қўймасди бунга. Ҳайриятки, бу воқеага гувоҳ бўлган ва «02»га кўнгироқ қўйган фуқаролар, ҳали 16 ёшга ҳам кирмаган гўдакни палид ҷангалидан қутқариб олган милиция ходимлари бор экан. Улар сўзлашди...

Маълум бўлишича, Т. Расул болани уйга бошлаб кирган-у, эшикни ичкаридан беринган. Дераза пардаларини туширган. Кейин ҳеч нарсада ҳеч нарса йўқ, унинг юзига шапалоқ тортган.

— Бу ерда додингни ҳудойинг ҳам ўшигтмайди, — деган ваҳшиёна пишириб. — Айтганини қилишга мажбурсан. Йўқсан... Қани, шимминги еч!

Шундай қилиб, у айтса тил, айтмаса дил қуядиган уятли ҳаракатлар содир этган. Ва ниҳоят, одамийлик деган мүқаддас номга бутунлай қарсан ўлароқ Э. Дониёр билан жисий алоқа қилиб, ҳайвоний ҳиссини қондирди.

Бу ишларнинг ачиқ ҳақиқат эканлигини суд-тибий экспертизаси хуласалари ҳам тасдиқлади. Суд ҳайъати эса палидини жиноят мажмусининг 98-моддаси, 100-моддаси 2-қисми билан айбор деб тоғди ва 8 йил мuddатга озодликдан маҳрум этди.

— Ана, кўрдингизми, — дейди сұхбатдошинг оғри тин олиб. — Агар менга ифлосининг юзига яхшилаб туруриб, кейин эса энг олий жазога ҳукм этардим. Токи бундан бошқа шу тоифадагилар тегишли хуласа чиқариларни керак.

Раҳмон АЛИ.



ГИЛАМСИЗ ҲИБСХОНА

ширин-хаёлларга чўмиб кетди.

— Одамлар битта шолча олиш учун йиллаб навбат кутиб турдилар. Мен-ни? Мен бу масалани бир умрга ҳал килиб олдим. Сотганимдан қолгани ҳам етти пуштимга етади. Бугунги ўлжам эса хамир учидан патир.

Унинг кўз ўнгига рангоң гиламлар жилва қила бошлади. Оқ, сарик, кўк, кўй-кў... Нима у липиллаётган? Чироқми ёки гилам шуъласи?

Унинг кўзи орқа томондан яқинлашиб келаётган мили-

ция машинасига тушган эди.

— Вой, хумпартлар-е, қаерда писиб ётувдиларинг? Ҳали ҳуроз қичқирмасдан нима бор эди сенларга кўчада?

У шундай деб пичирлади, да, газни босди. Тўхташ ҳакидаги кетма-кет берилётган чакириқа парво қилмай кўздан гойиб бўлишга уринди.. Бироқ қарши томондан пайдо бўлган кўк чироги липиллаған яна бир машинани кўргач, тақдиринга тан бериншдан ўзга чораси қолмади

— Об-бо, камида 4-5 гилам савил кетадиган бўлди-

да, — гижинди у.

Шу пайт милиция ходими машина ўшигини очди.

— Қулогим сизда? — деди Р.

— Каллангиз-чи? — чўрт кесди Ҳива шаҳар ИИБ ДАН бўлинмаси Р. Жуманиёзов.

— Гапни қисқа қилинг, ўртоқ капитан. Айтинг, нечта керак? Фақат инсоф билан.

— Тушунмадим...

— Нима керак деялман?

— Ҳужжатларингиз.

Шундай қилиб Р. Жуманиёзов, кўриклиш бўлими бош-



СИРТКИ

КЎРИК

ЎТКАЗИЛДИ

Қашқадарё вилояти ҳудудида жойлашган ахлоқ тузатиш муассасаларида навбатдаги XXXVI жумҳурят мусиқавий-бадний даваскорларининг сирти қўргиги бўлиб ўтди. Бу кўрик аввалий йилларда ўтказилганидан кескин фарқ қилди. Чунки Узбекистон ИИБ ахлоқ тузатиш бошқармасининг ташаббуси билан кўрик шарқининг буюк алломаси, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишилди.

Чиройли қилиб безатилган саҳнада миллий кийим-бошда пайдо бўлган Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Али Қушчи каби тарихий шахслар образларини модирона юқро этган, Навоий ғазалларини қиёмига етказиб кўйлаган, рубони ва мусаддасларни ифодали ўқиған кишилар маҳбуслар эканлигига ишонмайсан иши.

Кўрик давомида ахлоқ тузатиш муассасаларида ушбу анжуманга маймурят ва маҳбуслар жиддий тайёргарлик кўришгани сезилди. Айниқса, Талғат Ҳарисов раҳбарлик қилаётган муассаса маҳбусларининг бадний даваскорлик жамоаси тайёрлаган концепт дастури ўзининг рангбаранглиги билан ажралиб турди. Эшқул Эргашев, Марк Абдуллаев ўринbosарлик қилаётган муассасаларда тайёрланган концепт дастуарни ва бадний чиқишилар танлов комиссияси аъзолари ва ушбу муассасаларни оталиқга олган ташкилотларнинг вакилларида катта таассурот қолдирди.

Чори САТТОРОВ,
ички хизмат капитан.

САБРИ ЧИДАМАДИ

Иккى томон келиши. Мотоциклнинг баҳоси 1000 сўм бўлди. Эгаси А. Шодиев бир ярим ойлардан сўнг сотишини айтди. Бироқ ҳаридорнинг сабр-бардоши миёсида ўғирлаш фикри туғилган қадар етди. У ярим тунда А. Шодиевнинг ҳовлисига кириб келди. Мотоциклни «озор» етказмасдан етаклаб, уйига олиб кетди. Сир очилмаслиги учун унга эски мотоциклдаги бензин баки, рама ва моторни ўрнатди.

Шунга қарамай А. Шодиев Бекобод тумани касалхонаси ёнида турган мотоциклини таниб, дарҳол милицияяга хабар берди.

Сўриштирувда М. Мамадов ўз айини бўйнига олди.

Р. АБДУРАҲМОНОВ,
милиция катта лейтенант.

Лиги Одилбек Матрасулов ҳамда балоғатга етмаганлар иши бўйича назориятнинг катта инспектори Т. Жабборовлар гилам ўрисини ички ишлар бўлимига олиб борди.